

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

5140800 – Педагогика психология
таълим йўналиши 4 босқич талабаси

ЙЎЛДАШЕВ ИХТИЁРНИНГ

“ЎҚУВЧИ ЁШЛАРДА ФУҚАРОЛИК ТУЙҒУЛАРИНИ
ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ”
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар:

М.Яхьяева

Қўқон – 2011

Мундарижа

Режа:

I. Кириш.

1-боб

1-§. Шахсни шакллантириш ва камол топтириш жараёнида фуқаролик тарбиясининг мазмуни ва вазифалари.

II. Асосий қисм.

2-боб

1-§. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари.

2-§. Ўқувчиларни фуқаролик руҳида тарбиялашда давлат рамзларининг аҳамияти.

3-§. Ўқувчиларни халқ ўтмиши ва миллий кадриятларга муҳаббат руҳида тарбиялаш ҳамда фуқаролик тарбиясини ташкил этиш йўллари.

4-§. Ватанпарварлик ва байналминаллик фуқаролик тарбиясининг асослари.

5-§. Ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятининг миллий мафкура билан бирлиги.

III. Якуний қисм.

Педагогик хулоса.

Иловалар.

Фойдаланилган адабиётлар.

КИРИШ

Мустақил Ўзбекистон Республикасида шаклланаётган миллий истиқлол ғоялари фуқароларни Республика Конституциясида эътироф этилган инсонпарварлик, демократик, ҳуқуқий давлат ва ҳуқуқий жамиятни барпо этишдек эзгу мақсад атрофида бирлаштиришга ҳизмат қилади. Хар бир фуқаронинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий фаоллигини юзага келтириш, фуқаролик (ҳуқуқий) маданиятини қарор топтириш – фуқаролик ҳуқуқий жамиятнинг асосий талаби саналади.

Даврнинг ушбу ўта долзарб талаби мустқиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор қонун ва қарорлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари мазмунида ўзининг ёрқин ифодасини топди. Ижтимоий тарбиянинг самарали, изчил тизимини яратиш, жамиятда фуқаролик (*ҳуқуқий*) маданиятини шакллантириш муаммоларининг ижобий ҳал этилиши жамият ижтимоий ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий ҳаётда фуқаролик маданиятининг шаклланиши учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтириш: бир томондан, жамият манфаатлари учун; иккинчи томондан, шахс (фуқаро) манфаатлари, шунингдек, жамият ҳамда фуқаронинг биргаликдаги манфаатларига тўла мос келади. Шу сабабли республика мустақиллиги шароитида ижтимоий таълим-тарбияни ташкил этиш мазмунини тубдан янгилаш зарурияти юзага келади. Ижтимоий тарбияни кенг кўламда (комплекс) ташкил этиш бугунги куннинг даъвати ва талаби бўлиб қолмоқда. Мазкур талабни ижобий ҳал этиш таълим муассасалари – жамоатчилик-давлат-жамият бирлигини яратиш асосида амалга оширилади.

Ўз фуқароларига эга бўлиш хар бир давлатнинг зарур ва муҳим белгиси саналади. Фуқароларнинг мавжудлиги сабабли давлат мавҳум тушунча бўлмай, муайян механизмга, жонли сифатда майдонга чиқади.

Ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан кафолатланган шахснинг давлат ичкарисида ёки ташқарисида бўлишидан катъи назар, маълум бир давлатга

қарашлилиги ҳолатига **фуқаролик** дейилади. Шундай ҳуқуққа эга шахс **фуқаро** деб аталади. Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Республика Олий мажлиси қабул қилган тегишли қоидаларда белгиланган ҳуқуқлардан фойдалана олади, қонунларда кўрсатиб ўтилган бурчларни бажаради.

Фуқароликнинг асосий таркибий қисмлари қуйидагилар:

- муайян давлат аъзоси эканлигини ҳис этиш, шахс тақдири давлат ва жамият ҳаёти билан узвий чамбарчас боғлиқ эканлигини тушуниб етиш;
- халқ, давлат олдидаги фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини қонунчилик асосида билиш, уларга сўзсиз, катъий амал қилиш;
- ўз халқи, давлати ўтмишига ҳурмат туйғусини қарор топтириш шахсий манфаатлардан республика манфаатларини устун қўя билиш, халқ, Ватан равнақи истикболи учун қурашишга, юрт тинчлигини ҳимоя қилишга ва асраб-авайлашга тайёр туриш;
- давлат рамзларига чексиз мухаббатни қарор топтириш, улар муҳофазаси учун тайёргарлик, давлат рамзларининг миллат, халқ ор-номуси, шаъни, кадр-қиммати эканлигини англаш;
- ижтимоий-сиёсий онглилик ижтимоий фаоллик, давлатнинг ички ва халқаро сиёсати қоидаларини тушуниш ва идрок қилиш;
- миллий ва умуминсоний ахлоқ ҳамда ҳуқуқ меъёрларининг бузилишига нисбатан мурасиз қурашиш кабилар киради. Жамият томонидан қонунчилик йўли билан белгиланган талаб фуқаро ҳуққини баҳолаш, ҳатти-ҳаракатлар моҳиятини таҳлил қилиш учун мезон бўлиб хизмат қилади. Ана шу талабларга мувофиқ фуқаронинг ҳуққ-атворидаги айрим кўринишлар, ҳаракатлар ёки одатлар маъқулланади ёки қораланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг мақсади эркин, демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва жамият қуришдир. Бу жамиятни бунёд этиш жараёни янги ижтимоий фуқаролик тарбияси вазифаларини мураккаблаштиради. Чунки демократик ҳуқуқий жамият барпо этилишининг муваффақияти фуқаронинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражасига,

фуқаролик фазилатларининг қарор топганлигига, ижтимоий фаоллик кўрсаткичларига боғлиқ.

Фуқароликнинг ижтимоий асоси янги иқтисодий муносабатлар бўлиб, унда фуқароларнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан қўшилиб уйғунлашиб кетади.

Миллий ва умуминсоний қадриятлар ғоялари, демократик талаблар ҳамда ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ фаолият юритиш ижтимоий фуқаролик муносабатларининг муҳим қондасига айланади. Фуқаролик тарбиясининг мақсади фуқаролик тушунчасининг моҳиятини англаш орқали ўқувчиларда юксак даражадаги фуқаролик маданиятини шакллантириш, уларни халқ, ватан, жамият учун фидоий инсонлар этиб тарбиялашдан иборатдир.

Фуқаролик тарбиясининг вазифалари, асосан қуйидагилардан иборат:

1. Ёш авлодни доимий равишда жамиятда устувор мавқега эга бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга риоя этишга ўргатиб бориш;

2. Ўқувчиларга фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари туғрисида маълумотлар бериб бориш, уларда фуқаролик фаолиятини ташкил этиш борасида кўникма ва малакалар ҳосил қилиш;

3. Ўқувчиларда давлат рамзларига ҳурмат ва муҳаббатни қарор топтириш, Республика Президенти шаъни, ор-номусини ҳимоя қилишга тайёргарлик ҳиссини шакллантириш;

4. Ўқувчиларда халқ, ўтмиши, миллий қадриятларига нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиш, уларда ғурурланиш, фахрланиш ва ифтихор ҳисларини ошириш;

5. Ватан, халқ ва миллат ишига содиқлик, ўз манфаатларини юрт манфаатлари билан уйғунлаштира олишига эришиш, фидоий фуқарони тарбиялаб вояга етказиш;

6. Ватан, юрт озодлиги ва мустақиллигини эъзозловчи, ардоқловчи, уни ҳимоя қилишга тайёр фуқарони тарбиялаш ишига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этиш;

7. Ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини ташкил этишда шахснинг Давлат Конституциясида¹ кўрсатилган ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳамда бурчларини бажарилиши хусусида маълумотлар бериш, уларда ижтимоий фаолиятни ташкил этишда ҳуқуқлардан фойдаланиш ва бурчларини бажариш бўйича кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Республика бош қонунида шахснинг қуйидаги ҳуқуқлари кафолатланади: яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик, айбланаётган шахс ишининг судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқирилиши, ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинадиган тажовўзлардан, шахсий ҳаётга аралаштиришдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги, республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиши ва ундан чиқиб кетиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги давлат ишларини бошқаришда бевосита ёки ўз вакиллари орқали иштирок этиш, қонуний митинглар, йиғилишлар ва намоёнишларда иштирок этиш, касба уюшмаларида, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюштириш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, сайлаш ва сайланиш, мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, дам олиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш, тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, илмий ва техникавий ижод эркинлиги. Ўқувчиларга ҳуқуқлари борасидаги билимларни бериш билан бирга фуқароларнинг бурчлари нималардан иборат эканлиги ҳақида маълумот бериш, бу борада ўқувчиларда назарий ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш кўзланган мақсадга эришишда муваффақият омили бўлади. Фуқароларнинг бурчлари қуйидагилардан иборат:

- Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, шунингдек, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдир;

- Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар;

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992, 24-25 бетлар

- Фуқаролар атроф, табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар;
- Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғинларни тўлашга мажбурдирлар;
- Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

Ўқувчилар фуқаролик тарбиясини ташкил этишда шахснинг давлат Конституциясида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳамда бурчларини бажарилиши ҳусусида маълумотлар бериш, бурчларини бажариш бўйича кўрсатма ва малакаларини ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II-бўлимида фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари бир қатор моддаларда кўрсатиб ўтилган.¹

Улар қуйидагилар:

V боб. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

18-модда. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992, 24-28 бетлар

19-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас.

20-модда. Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

VI боб.

ФУҚАРОЛИК

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ягона фуқаролик ўрнатилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларда эга бўлганликдан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айти вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Фуқароликка эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан белгиланади.

22-модда. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди.

23-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланади. Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларни адо этадилар.

VII бoб.

ШАХСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР¹

24-модда. Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир.

25-модда. Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

26-модда. Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади.

Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас.

Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас.

27-модда. Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовўзлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга.

Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас.

28-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992, 28-30 бетлар

чикиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир.

29-модда. Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин.

30-модда. Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим.

31-модда. Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди.

VIII боб.

СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

32-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

33-модда. Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намоёишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат

хавфсизлик нуқгаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини, тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга.

34-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас.

35-модда. Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, тақлиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, тақлифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт.

IX боб.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ҲУҚУҚЛАР

36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақди. Банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади.

37-модда. Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат тақиқланади.

38-модда. Ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилининг муддати қонун билан белгиланади.

39-модда. Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тўтилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга.

Пенсиялар, нафақалар, ижтимоий ёрдам бошқа турларининг миқдори расман белгилаб қўйилган тирикчилик учун зарур энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас.

40-модда. Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

41-модда. Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга.

Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.

Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

42-модда. Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланади.

Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади.

Х боб.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

43-модда. Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

44-модда. Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг

ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

45-модда. Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

46-модда. Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар.

XI боб.

ФУҚАРОЛАРНИНГ БУРЧЛАРИ

47-модда. Барча фуқаролар Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларини бажарадилар.

48-модда. Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

49-модда. Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.

50-модда. Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар.

51-модда. Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар.

52-модда. Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил ҳизматни ўташга мажбурдирлар.¹

2 - §

Давлатимиз рамзлари – байроқ, тамға, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон - шарафи ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Мана шу рамзларни эъзозлаш - ўзининг қадр - қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлаш демакдир. Ўз мамлакати билан фахрланадиган инсон жуда кўп нарсаларга қодирдир. Бу эса оиланинг ҳам, уз Ватанининг ҳам шон-шухратини оширади (И.А.Каримов).

Давлат рамзлари муайян миллат, элатнинг этнопсихологик хусусиятлари, қарашлари, орзу-умидлари, интилишлари ҳамда мақсади, ҳудудий, ижтимоий-ғоявий бирлик моҳиятини аниқлашга ҳизмат қилувчи тасвирий белгилар мажмуидир.

Муайян давлатнинг байроғи, герби (тамғаси) ҳамда мадҳияси давлат рамзлари мажмуини ифодалайди.

Давлат рамзлари ўзларида чуқур сиёсий ва ижтимоий-ғоявий мазмунни ифода этади. Давлат рамзлари (байроқ, герб)да тасвирланган ранглар, тасвирлар муайян халқ, миллат ўтмиши, қадим анъаналари, халқнинг турмуш тарзи, орзу-умидлари, мақсади, ҳаётининг интилишларини ифода этишга ҳизмат қилади. Давлат мадҳиясида эса халқ, миллат, давлат ва жамиятнинг ягона мақсади, бирлиги ғоялари тараннум этилади.

Давлат рамзлари давлатнинг мавжудлигини кўрсатувчи белгилар саналади. Рамзлар – бу шартли белгилар бўлиб, улар қадим давлардаёқ турли халқларда у ёки бу ҳодиса, олам, мавжудот, одамлар тасвирини, уларнинг қарашларини ифодалаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992, 30-33 бетлар

Ўзбекистон Республикасида давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ижтимоий-сиёсий мустақилликни ифода этувчи рамзларни яратишни тақозо этди. Шу муносабат билан 1990 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қарор қабул қилинди ва бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда бўлиб ўтган XI сессиясида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси қабул қилинди. Ушбу мадҳия муаллифлари Ўзбекистон Халқ шоири ва таниқли бастакор Мутал Бурхоновдир.

Таълим муассасаларида фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларга давлат рамзлари, уларнинг моҳияти борасидаги маълумотларни бериш, уларнинг онгига давлат рамзларининг халқ, миллат ор-номуси, шаъни, кадр-қимматининг тимсоли эканлиги тўғрисидаги ғояларни сингдириш орқали уларда мазкур рамзларга нисбатан ҳурмат туйғусини қарор топтириш каби вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ саналади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси давлат Мадҳиясининг қуйидаги матни ўқувчилар томонидан нафақат ёд олинishi, балки мадҳия мазмунида ифода этилган ғоялар моҳиятини чуқур таҳлил эта олиш лаёқатини шакллантириш учун маълум шарт-шароитларни яратиб бериш таълим муассасалари жамоаси, уларнинг раҳбарияти олдида тўрган асосий вазифалардан биридир:

Серқуёш, ҳур ўлкам, элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга йўлдош, меҳрибон,
Яшнагай то абад илму фан, ижод,
Шухратинг порласин токи бор жаҳон!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,

Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ қудрати жўш ўрган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Бағри кенг ўзбекнинг ўчмас иймони,
Эркин, ёш авлодлар сенга зўр қанот!
Истиқлол машъали, тинчлик посбони,
Халқсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Нақорат:

Олтин бу водийлар – жон Ўзбекистон,
Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!
Улуғ халқ ҳудрати жўш ўрган замон,
Оламни маҳлиё айлаган диёр!

Давлат мадҳияси каби унинг байроғи, герби (тамғаси) ҳам жаҳон миқёсида мавжуд бўлган муайян давлатнинг ўз халқи, миллати номидан фаолият юритиш имкониятига эга эканлигини англатади. Шу боис 1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Ўзбекистон ССРнинг давлат рамзлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 1991 йил 18 ноябрда Республика байроғи, 1991 йил 2 июлда Республика герби (тамғаси) қабул қилинган.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг байроғида оқ, кўк, яшил ва қизил ранглар ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян маънони англатишга ҳизмат қилади. Оқ ранг қизил ранг билан ҳошияланган. Республика байроғида юрт тарихи, ўзбек халқининг миллий руҳи ва юрт табиатининг жамоли акс эттирилган. Байроқнинг чап томони юқорида қисмида ярим ой ва ўн икки юлдузнинг тасвири туширилган. Кўк ранг ва юлдўзлар тасвири тиниқ, мовий осмон белгисидир. Ўртадаги оқ ранг эса ёруғ кун ва покиза, оқ кўнгилли ўзбек халқининг тилаги, қизил ҳошиялар эса

томирларда жўш ураётган қон каби тириклик ва ҳаёт рамзидир. Яшил ранг эса қадим-қадимдан табиат белгиси, ой (янги ой) рамзининг берилиши мустақиллик шароитида ҳаёт кечириш халқимиз учун ўзига хос янги давр эканлигининг ифодасидир. Юлдўзлар сонининг ўн иккиталиги йил ойлари, мучал ҳисобига нисбатдир. Умуман, юлдўзлар қадимданоқ абадиёт тимсоли сифатида қадрланиб келинган. XVIII асрдан бошлаб эса, буюк интилиш ҳамда улуғ ғояларнинг ифодаси сифатида талқин этила бошланган.

Республика миллий байроғининг ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»ги Қонунда белгилаб берилган. Миллий байроқ ва унинг моҳияти тўғрисидаги маълумотларни ўқувчиларга етказиш синф соатларида, шунингдек, тарбиявий тадбирларни ўтказиш чоғида амалга оширилади.

Байроқ давлат мустақиллигининг белгисигина бўлмай, у Ўзбекистон Республикаси номини халқаро майдонда рамзий равишда ифода этиш учун хизмат қилади. Давлат байроғи Президентлик аппарати, Республика Олий Мажлиси ва ҳукумати, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқориги Кенгеши ва ҳукумати, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, турли давлатларда Республика номидан иш олиб борувчи Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхоналари биноларида кўтарилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик меҳмонлар Республика байроғини ҳурмат қилишлари шарт. Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик қонун йўли билан жазоланади.

Давлат рамзларининг яна бири – бу Давлат герби (тамғаси)дир. Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг қабул қилиниши «Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида»ги Қонун ғоялари ҳамда ўзбек халқининг минг йиллик бой тажрибасига асосан амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат гербида тоғлар, дарёлар, бугдой бошоқлари (чап томонда), очилган ғўза шоҳларининг (ўнг томонда) гулчамбар ҳолидаги тасвири акс эттирилган. Герб ўртасида серкуёш юрт рамзи бўлган куёш ўзининг заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқоридаги қисмида Республика мустақиллигининг рамзи сифатида саккиз

бурчак тасвирланган бўлиб, унинг ичида ярим ой (янги ой – янги тузум) ва юлдўзлар (абодият тимсоли) жойлаштирилгандир. Гербнинг марказида бахт ва эркесварлик рамзи бўлган кумуш рангли Хумо куши қанотларини ёзиб турган ҳолда тасвирланган. Хумо куши инсонга бахт келтирувчи, уни турли офатлардан ҳимоя қилувчи, меҳрибон жонзот сифатида ўзбек халқ оғзаки ижодида кенг талқин этиб келинган. Гербнинг пастки марказий қисмида Давлат байроғи рангларидаги чамбар лента ўзагида «Ўзбекистон» сўзи ёзилган. Гербда ифода этилган саккиз қиррали бурчак – масаммандир. Ушбу белги ижтимоий ҳаётнинг маълум бир ғоя, куч бирлаштиради деган ғояни аёнлаштиришга хизмат қилади. Пахта ва буғдой бошоқларининг тасвири ризқурўзнинг нишонасидир.

Давлат гербининг ҳуқуқий мақоми ҳам махсус Қонун билан ҳимояланади. Давлат гербидан фойдаланиш ҳуқуқи махсус давлат ҳокимияти ва бошқаруви идораларига берилган бўлиб, уларга Ўзбекистон Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг маҳаллий идоралари, вазирликлар, давлат қўмиталари, барча тоифадаги судлар, прокуратура, дипломатик ва консуллик ваколатхоналари киради.

Давлат гербининг тасвири туширилган муҳрлар, ҳужжатларнинг бланкалари ва улардан фойдаланиш, сақлаш ҳамда йўқотиш тартиби Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус ҳужжати асосида тартибга солинган.

Давлат гербининг тасвири, шунингдек, фуқаролик паспорти, корхона, ташкилот, муассасаларнинг иш қоғозлари, муҳрларида ўз аксини топган. Республика фуқароси шахс сифатида ўз шаъни, ор-номусини қанчалик муқаддас билса, фуқаро сифатида давлат рамзларини шу қадар муқаддас билиши, уни асраш, муҳофаза қилиш учун ўзида масъуллик туйғусини қарор топтириши лозим. Фуқаролик тарбиясини йўлга қўйиш жараёнида давлат рамзларидан ноқонуний ҳамда ахлоқсиз равишда фойдаланаётган кимсаларга нисбатан муросасиз бўлиш лозимлигини уқтириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли асарида шундай ёзади: «Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли тўртта асосий негизга асосланади. Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик»¹.

Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ ўтмишини ўрганиш орқали миллий ўзликни англаш туйғусини қарор топтириш саналади.

Шахс ҳам, жамият ҳам ўтмишни ўрганиш, унинг ҳар бир босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади.

Ўтмиш мутафаккирларининг қарашлари, бой маънавий мерос ғоялари бугунги авлод учун дастури амал бўлиши лозим.

Алломалар, халқ қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш, миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий қадриятлар ғояларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар миллатни бу қадар жипслашганлиги сиридан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ ўтмиши, тарихини ўрганиш миллий қадриятлар моҳиятини англашга йўналтирилган фаолиятга ўқувчиларни жалб этиш ижтимоий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидоий, ватанпарвар фуқаро сифатида тарбиялаш эвазига таъминланади.

Ёш авлодда фуқаролик ҳисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, хулқий одатлар ва кўникмаларни шакллантириб бўлмайди.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 65-бет.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб ўқувчиларга фуқароликнинг моҳияти ва меъёрий қоидалар мазмунига оид билимлар берилади. Аввало, ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунчалар берилади, бу хилдаги хатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида уларда фуқаролик тушунчаси шаклланади ва фуқаролик ҳуқуқий одатлари ҳосил қилинади.

Бадиий ва илмий адабиётлар, матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакл ғоялари, турли суҳбатлар мазмунини тушунтириш, тарғиб этиб бориш орқали ўқувчилар онгига фуқаролик тушунчалари сингдирилади. Фуқаролик туйғусини болаларда мактабгача таълим ёшидан бошлаб ҳосил қилиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун «Республика байроғида нималар акс эттирилган?», «Республика гербида нималар тасвирланган?», «Ҳумо куши тасвири қандай маънони англатади?», «Сен Давлат мадҳиясини биласанми?» каби мавзуларда суҳбатлашиш муҳимдир.

Ўқувчига фуқаро сифатида ўз ҳуқуқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонли, Ватан тараққиёти учун нима қила олдим?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим?» тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак.

Ёш авлодга турли фанлар асосларини чуқур ўзлаштириш уларнинг тафаккури ва дунёқарашини бойитишга, шунингдек, фуқаро сифатида ўз мажбуриятларини тўлақонли англашлари учун имконият яратишини тушунтириб бориш мақсадга мувофиқдир. Фидоийлик, интилувчанлик, ташаббускорлик, ташкилотчилик, қатъият, матонат, уюшқоқлик каби хислатлар ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида тарбияланади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитларнинг мавжудлиги тақозо этилади. Булар:

- 1) ўқув юртида ташкил этилаётган таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;

2) фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнининг муваффақияти ўқитувчи ва ўқувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ;

3) тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига эришиш;

4) оила, мактаб ва маҳалла ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг юзага келиши фуқаролик тарбиясининг муваффақиятини таъминлайди;

5) ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар, умумий тартибга катъий риоя этишга ўргатиш, зиммасидаги бурчни тўлақонли адо этишларига эътиборни қаратиш.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза, баҳслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларга жавоблар олиш кўтилган натижани кўлга киритишга имкон беради.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқувчининг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадда диагностик (ташҳис қўйиш), статистик ва қиёсий таҳлил таҳлилни олиб бориш лозим.

Ижтимоий фуқаролик тарбиясининг ташкил этилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён эта олиши лозим:

- фуқаролик бурчини бажара олиш (ўз Ватани, халқи, ота-онаси олдидаги мажбуриятни ҳис эта олиш) қобилиятига эгалик;

- миллий ғурур ва ватанпарварлик туйғусига эга бўлиш;

- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамлакат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадҳия)га нисбатан ҳурматда бўлиш;

- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллик;

- ижтимоий ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ва итоатда бўлиш;

- мамлакат миллий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш ҳақида қайғуриш;

- давлат тили, миллий маданият ва анъаналарга содиқ, уларга нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;

- ижтимоий фаоллик;

- демократик тамойилларга амал қилиш;
- табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш;
- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятига эга бўлиш;
- тўғрисиёз, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;
- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;
- байналминаллик, ўзга мамлакатларнинг халқларига нисбатан ҳурматда бўлиш ва бошқалар.

3-§

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш ва мустаҳкамлаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, унинг қонуний заминлари, ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигига, онглилик, билимдонлик даражасига узвий алоқадорликдадир.

Бунинг учун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси, энг аввало, ҳаётимизнинг асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим.

Конституцияда инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги тамойили қонун йўли билан белгилаб қўйилган бўлиб, Президентимиз томонидан таъкидланганидек, фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва қафолатланган. Унда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас бўлиб, давлат ҳимоясида, дейилган.

Юкорида келтирилган талаб ва амалда жорий қилиш, асосан таълим-тарбия муассасаларидан бошланади. Ушбу маънода ўқувчиларда фуқаролик тарбиясини шакллантириш учун уларни ўтмиш меросимиз ва халқимизнинг минг йиллик қадриятлари асосида маълумотлар бериш

мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик тарбиясининг асосларидан бири миллат, халқ уларнинг ҳаёт мазмунини ўрганиш орқали миллий узликни англашни қарор топтириш иши саналади.

Шахс жамият ўтмишини ўрганиш орқали унинг ҳар босқичини таҳлил қилиш асосида келгуси ҳаёт режасини ишлаб чиқади. «Ўтмишсиз келажак бўлмайди» - мазкур шиор эркин мустақил равишда тараққиёт йўлидан бораётган республика ҳаётининг бош шиорига айланиши керак.

Ўтмиш мутафаккирларнинг қарашлари, бой маънавий мерослари, ғоялари бугунги авлод учун дастуруламал бўлиши лозим.

Алломалар, халқ, қаҳрамонлари ҳаётини ўрганиш миллат ва шахсга инсон сифатида ким эканлигини англаб етишга ёрдам беради.

Миллий кадриятлар ғояларини ўрганиш асрлар давомида ардоқланиб келган анъана, урф-одат, маросимлар нима учун миллатни бу қадар жипслаштириб қўйганлигидан воқиф этади. Фуқаролик тарбияси негизида халқ, ўтмиши, тарихини ўрганиш, миллий кадриятлар моҳиятини англашга йуналтирилган фаолияти ўқувчиларни жалб этиш педагогика фани, тарбияда қўзланган мақсадга элитувчи йўл саналади.

Ўқувчиларни ҳақиқий фуқаро этиб тарбиялаш, уларда фуқаролик туйғусини қарор топтириш, фидойи фуқаро сифатида шакллантириш билан яқунланади. Ўқувчиларда фуқаролик хисси ва эътиқодини тарбияламай туриб, уларда ахлоқий, ҳуқуқий одатларни, малакаларни ҳосил қилиб бўлмайди.

Фуқаролик туйғусини қарор топтириш мураккаб жараён. Бунда дастлаб болаларга фуқаролик моҳияти ва қоидалари мазмунига оид билимлар берилади. Аввало, ўқувчига фуқаролик одоби ва маданияти ҳақида тушунча берилади, бу ҳилдаги ҳуқуқ, ҳатти-ҳаракатларга оид намуналар келтирилади, сўнгра фаолият уюштирилади. Ана шу асосида фуқаролик тушунчалари бадиий ва илмий адабиёт матбуот янгиликлари, кинофильм, спектакль ғоялари, турли ҳолатлар мазмунини тушунтириш, тарғиб этиб бориш орқали сингдирилади. Фуқаролик туйғусини болаларда мактабгача тарбия ёшидан бошлаш, шакллантириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Бунинг учун « «Республика байрогида нималар акс эттирилган?», « Республика гербидаги Хумо куши ниманинг рамзи?», «Мен давлат мадхиясини биламанми? » каби мавзуларда суҳбатлашиш ғоят муҳимдир.

Ўқувчига фуқаро сифатида уз ҳуқ-атвори мазмунини таҳлил этиш имконини бериш лозим. Яъни, «Бугун халқ фаровонлиги ватан тараққиёти учун нима кила олдим?», «Зиммамдаги бурчни қандай адо этдим? тарзидаги саволларга жавоб топишга ўргатиш керак. Ўқувчиларга ўқиш, аъло баҳоларга ўзлаштириш, ўз тафаккури ва дунёқарашини шакллантириш, болада фуқаролик бурчини адо этиш заруриятини тушунтириб бориш зарур. Фидойилик, интилувчанлик, ташаббускорлик, катъият, матонат, уюшқоқлик каби ҳислатлар фуқаролик тарбиясини олиб бориш жараёнида юзага келади.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш учун маълум шарт-шароитлар тақозо этилади. Булар:

1. Мактабдаги таълим-тарбия жараёни юксак даражада уюштирилиши керак;
2. Фуқаролик тарбияси жараёнининг муваффақияти ўқувчилар ва уқитувчилар жамоасининг савиясига боғлиқ;
3. Тарбиявий ишнинг режали, узлуксиз, тизимли бўлишига эришиш катта аҳамият касб этади;
4. Оила, мактаб ва маҳаллаларда ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжихатликнинг юзага келиши фуқаролик тарбияси муваффақиятини таъминлайди;
5. Ўқувчиларнинг ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга ҳамда умумий тартибга риоя қилишга ўргатиш ва бошқалардир.

Фуқаролик тарбиясини ташкил этишда суҳбат, мунозара, маъруза, баҳслардан фойдаланиш, машқ, тест, анкета саволларига жавоб олиш кабилар юксак даражага олиб келади.

Фуқаролик тарбиясида унинг натижасини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда боланинг тарбияланганлик даражаси асос қилиб олинади. Ушбу мақсадга диагностика (ташхис қўйиш), статистик, қиёсий таҳлилни ўтказиш лозим.

Фуқаролик тарбиясининг ташкил этилиши натижасида камол топган фуқаро ўзида қуйидаги сифатларни намоён эта олиши лозим.

- фуқаролик бурчини бажара олиши (ўз ватани, халқи, ота-онаси олдидаги қарзни хис эта олиши) қобилиятига эгалик;
- миллий ғурур ва маърифатпарварлик туйғусига эга бўлиш;
- давлат Конституцияси, давлат ҳокимияти органлари, мамлакат Президенти ҳамда давлат рамзлари (герб, байроқ ва мадхияга нисбатан ҳурматда бўлиш;
- мамлакат тақдири ва истиқболи учун жавобгарлик, масъуллиқ;
- ижтимоий-ҳуқуқий ҳамда ахлоқий меъёрларга нисбатан ҳурмат ва итоатда бўлиш;
- мамлакат миллий бойликларига ҳурмат билан қараш ва асраш;
- миллий давлат тили, маданияти ва анъаналарига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни асраш;
- ижтимоий фаоллик;
- демократик тамойилларга амал қилиш;
- табиатга нисбатан эҳтиёткорона ва масъулиятли муносабатда бўлиш;
- фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш;
- ҳуқуқий онг ва фуқаролик маданиятига эга бўлиш;
- туғрисўз, адолатли, мурувватли, меҳрибон бўлиш;
- ўз фаолияти ва хатти-ҳаракатига нисбатан масъулиятли бўлиш;
- байналминаллик, ўзга мамлакатлар халқларга нисбатан ҳурматда бўлиш ва бошқалар.

Давлатнинг муҳим ва зарурий белгиларидан бири ўз фуқароларига эга бўлишлигидир. Шахснинг давлат ичкарасида ёки ташқарисида бўлишидан қатъи назар, ҳуқуқий ўрни қонун йўли билан кафолатланиши ва унинг бир давлатга қарашлилиқ ҳолатига фуқаролик дейилади. Бу ҳуқуққа эга шахс фуқаро ҳисобланади. Фуқаролик шахснинг ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўлиқ ҳис этиши, ҳуқуқий, ахлоқий меъёрларга онгли риоя этиши, ижтимоий ҳаётдаги фаоллиги, юксак маънавий етуқлиги билан характерланади.

Фуқаролик туйғуси кишидаги энг олий туйғулар сирасига киради, чунки бу туйғу ўз ватанини севиш, уни ардоқлаш, ватан равнақи йўлида меҳнат қилиш, уни ҳимоя қилиш, атроф-оламга, табиатга меҳр-муҳаббат билан қараш сингари миллий ва умуминсонийликни ифодалайди.

Жамиятнинг онгли, фаол аъзоларини шакллантиришда уларда фуқаролик тарбияси ва шахс фуқаролик туйғусининг шаклланиши муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга умумтаълим мактаби ўқувчиларидагина эмас, балки вояга етмаган шахсларда ҳам фуқаролик туйғулари етарли шаклланган эмас. Шунинг назарда тутилган ҳолда ушбу масалада узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларда, хусусан, кичик мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуларини шакллантириш асосида уларга фуқаролик тарбиясини сингдиришнинг амалий масалалари ҳақида фикр юритиш мақсад қилиб қўйилган.

Миллий мафкурада жамиятимизнинг ижтимоий мақсади ёрқин, тушунарли ифодалаб берилган. Унда мустақил, ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини қуриш орқали фаровонликка, эришилади, - деб таъкидланади. Зеро, ижтимоий мақсадларимизни, ўзини, ўзлигини тўғри англаган ҳар бир шахс ақл-заковати, куч-қудратини мустақил давлатнинг озод, эркин фуқароси сифатида фаровон ҳаёт қуришга сарфлашга ҳам маънавий-ҳиссий, ҳам жисмоний имконият топади.

Фуқаролик туйғуларини мактаб ўқувчилари, хусусан, кичик мактаб ўқувчиларида тарбиялаш ҳуқуқий таълимнинг самарали ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Умумтаълим мактабларида ҳуқуқ дарсларининг ўқитилиши мустақиллик шарофати эканлигини таъкидлаш ўринли. Ўзбекистон Конституциясига асосан узлуксиз таълим тизимида ҳуқуқий таълим мактабгача таълимдан бошланиб мустақил таълим билан якунланади. Бошланғич синфларда ўқувчилар бахтимиз қомуси мустақил Ўзбекистон давлатининг Конституцияси ҳақидаги ҳуқуқий билимларни «Конституция алифбоси» дарсларида оладилар. Бу дарс I-IV синфлар ўқув режасига киритилган бўлиб, дарс жадваллари асосида ўтилади. Маълумки, бошланғич синфларда «Конституция алифбоси» дарсларини синф ўқитувчиси олиб боради. Шунинг учун ўқитувчидан ҳуқуқий билимлардан хабардор бўлиш, ўз

фаолиятига масъулият билан ёндашиш талаб этилади. Ўқувчиларда кенг ҳуқуқий дунёқарашни таркиб топтириш дарсларга пухта тайёргарлик кўришда ва уни ташкил этишдаги педагогик маҳоратга ҳам боғлиқдир. «Конституция алифбоси» дарсларини ўтишда ўқитувчи синфлар, мавзулар бўйича ўқитишнинг шакл ва усуллари тўғри, мақсадга мувофиқ танлаш ва самарали қўллай олиши ўқувчиларда фуқаролик туйғусини тарбиялаш имкониятини кенгайтиради. 1-синф «Конституция алифбоси» дарслигидаги 1-мавзу «Давлат ва унинг рамзлари» деб номланади. Мавзуда Давлат ва унинг вазифалари, бизнинг давлатимиз «Ўзбекистон Республикаси» ёки «Ўзбекистон» деб номланиши, унинг суверен Республика эканлиги Конституциямизнинг 1-моддасида таъкидланганлиги изоҳланади. Давлат рамзлари – давлат герби, байроқ ва мадҳиямиз, уларнинг рамзий маънолари, мадҳиямиз матни ва рамзлари илова қилинган.

Кўриниб турибдики, ўқитувчи дарс жараёнига ҳис-ҳаяжон олиб кира олса, ўқувчиларда биринчи дарсдан ўз давлатининг ўтмиши, бугуни ва келажагидан хабардор этади, мустақиллигимизнинг истикболдан ғурурланиши ва Ўзбекистон давлати учун муносиб бўлишдек юксак ҳис туйғулар пайдо қилади. Шунингдек, Конституция моддаларидан мисоллар келтирилган, масалан, «Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикасида давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 89-модда), «Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир» (Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 4-модда) кабилар. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мисоллар ёрдамида тушунтириш уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш билан бирга ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри англаш имкониятларини пайдо қилади.

Айниқса, бола ҳуқуқлари ҳақида Конвенция моддаларидан намуналар келтирилиши, қонунлар, уларнинг яратилиши, жамиятимиз кишилари учун моҳияти, унинг устуворлиги ва барча фуқаролар қонунларни ҳурмат қилиши лозимлигининг ўқитилиши ўқувчиларда фуқаролик сифатларини шакллантиради ва ривожлантиради.

2-синфда «Конституция алифбоси» дарслигада «Ўзбекистон - менинг Ватаним», «Билим олиш ҳуқуқи», «Тинчлик қўшиғи», «Мулк тушунчаси» каби мавзулар орқали ҳуқуқий билимлари бойитилади. «Мен Ватанни ҳимоя қиламан», «Табиатни муҳофаза қилиш» мавзуларини ўрганиш орқали эса ўқувчиларда Ватан, қонун олдидаги бурч ва вазифаларини англаш, уларга амал қилиш кўникмалари тарбияланади. 3-синфда «Конституция алифбоси» дарслигининг муқаддима қисмида, ... энди сиз мустақил фикрлаш, ҳар хил ўйин дарсларида қатнашиш, дарс жараёнида ўз фикрларингизни билдириб, муҳокамаларда иштирок этиш қобилиятларига эга бўлдингиз, - дейилади.

«Яхши нима-ю, ёмон нима?», «Ким ҳақ?», «Энди нима қиламан?» каби мавзулар орқали уларда мустақил фикрлаш, фикрлар хилма-хиллиги, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини бошқариш, масъулият ҳислари шаклланади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳар бир ўқитувчининг таълим жараёнига янгича ёндашуви бошланғич синф ўқувчиларида фуқаролик туйғуларини тарбиялаш ҳуқуқий таълим самарадорлигини таъмин этиш омилidir.

4-§

Фуқаролик тарбиясини ташкил этиш жараёнида шахсда ватанпарварлик (лотинча «patriotes» – ватандош, «patris» – ватан, юрт) туйғусини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, фуқаро муайян давлатнинг аъзоси сифатида унинг шаъни, обрў-эътиборини таъминлаши, унинг манфаатлари учун кураша олиши зарур.

«Ватан атамаси аслида арабча сўз бўлиб, она юрт маъносини билдиради, Ватан тушунчаси кен ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жумулжам яшаб тўрган, уларнинг аجدодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги тушунчадир.

Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир»¹.

Ватанпарварлик шахснинг ўзи мансуб бўлган миллат, туғилиб ўсган ватани тарихидан ғурурланиши, бугуни тўғрисида қайғуриши ҳамда унинг порлоқ истиқболига бўлган ишончини ифода этувчи юксак инсоний фазилат саналади.

«Ватанпарварлик – ўз тақдирини ватан, миллат тақдири билан боқлаган барча кишиларга хос фазилат. Миллат тараққиётининг имкониятлари, шон-шуҳрати, обрў-эътибори ҳам шу миллат кишилар ватанпарварлик туйсусининг даражаси билан боғлиқдир»².

Ватанпарвар шахс қиёфасида қуйидаги сифатлар намоён бўлади:

1. Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат, унга садоқат.
2. Ўзи мансуб бўлган миллат ўтмиши, урф-одатлари, анъаналари ва кадриятларига содиқлик.
3. Ватан ва миллат тарихидан ғурурланиш.
4. Юртнинг моддий, шунингдек, миллат томонидан яратилган маънавий бойликларини асраш, уларни кўпайтириш борасида ғамхурлик қилиш.
5. Ватан равнақи ва миллат тараққиёти йўлида меҳнат қилиш.
6. Ватан озодлиги ва миллат эркига қилинаётган ҳар қандай таҳдидга қарши курашиш.
7. Ватан ва миллат обрўи, шаъни, ор-номусини ҳимоя қилиш.
8. Ватан равнақи ва миллат тараққиётига нисбатан ишончга эга бўлиши.

Ватанпарвар шахс ўз ватанини унинг бойликлари ёки ватанининг қулай географик ҳудудда жойлашганлиги учун эмас, балки, ўзи унинг бир бўлаги, ўзи мансуб бўлган миллатнинг эса унда истиқомат қилиши учун қадрлай олиши зарур.

¹ Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туй\уси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 139-бет.

² Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Тошкент, Университет, 1998. – 148-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида ватанпарварлик, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш масалаларига кенг ўрин берилган. Хусусан: «Ўзбекистон фуқаросининг ватанпарварлиги бу қайта ўзгариш йўлини кўрсатувчи, кўзланган мақсаддан четга чиқмайдиган йўлчи юлдуз, ишончли компасдир. Ўзбекистонга, унинг ерига, табиатига, бу ерда яшаётган халқларга муҳаббат, ўлканинг тарихи, маданияти, анъаналарини теран билиб олишга интилиш, республиканинг қудрати ва ютуқларидан фахрланиш, халқимиз қисматига тушган қийинчиликлар учун қайғуриш кўп миллатли ўзбек жамиятининг муҳим жишлаштирувчи асоси ҳисобланади»¹.

Эрка интилиш, озод яшашга бўлган эҳтиёж инсонга хос бўлган туйғудир. Инсон ўз ватанидагина озод ва эркин яшай олади. Шу боис ватан озодлиги учун курашиш масаласи қадим-қадимдан алломаларнинг асарлари ҳамда эзгу ғояларни ифода этувчи таълимотларнинг бош мавзуси бўлиб келган. Чунончи, Ҳадиси Шарифда ватанни севиш иймондан эканлиги таъкидланади.

Алишер Навоий қуйидаги мисраларда ватандан айрилиш инсон учун оғир жудолик эканлигига уруғ беради:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш,
Олтин қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш.

Алломанинг фикрларини ривожлантирган ҳолда ватандан жудо бўлиш оғир жудоликкина эмас, балки «юзи қаролик» эканлигини Заҳриддин Муҳаммад Бобур қуйидагича ифодалаган эди:

Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Тошкент, Ўзбекистон, 1992. – 76-бет.

Ҳар ишники, айладим - хатолик бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролик бўлди.

Абдулла Авлоний ўз асарларида «ватан» тушунчасига таъриф бериб, унинг равнақи учун қурашиш ватанпарвар инсонга хос хусусият эканлиги қуйидагича қайд этади: «Ҳар бир кишининг туғулуб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсгон ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу ватан ҳисси – туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳатда яшамас. ...

Биз туркустонликлар ва ватанимизни жонимиздан ортиқ суйдигимиз каби. Араблар Арабистонларини, қумлик, иссиқ чўлларини, эскумулар шамол тарафларини, энг совуқ ва музлик ерларини бошқа ердлардан зиёд суярлар. Агар суймасалар эди, хавоси яхши, тириклик осон ерларга ўз ватанларини ташлаб ҳижрат қилур эди»¹.

¹ Авлоний, Абдулла. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, Ўқитувчи, 1992, - 230-бет.

Инсон ўзи туғилиб ўсган ватанда орзу-умидлари, ниятлари, ҳаётий интилишлари билан ўзига яқин бўлган кишилар даврасида бўлади, ўзи кўниккан турмуш тарзи бўйича кун кечиради, болаликдан ўзи кўниккан ижтимоий муносабатлар жараёнида иштирок этади, ҳаётининг бир қисмига айланган тилда сўзлашади ва у шу муҳитдагина ўзини эркин ҳис қилади. Бегона юртларда у ўзига таниш бўлган, ўзи кўниккан муҳитни топа олмайди. Шу боис гарчи иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатга сафар уюштирган бўлса-да, ўз юртини тезда соғинади.

Байналминаллик («inter» – орасида, ўртасида, аро, «natio» – халқ) ўзга миллат ва элатларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, эрки, урф-одатлари, анъаналари, турмуш тарзи, тили ҳамда виждон эркинлигини ҳурмат қилиш, уларнинг манфаатларига зиён етказмасликни ифода этувчи шахсга хос маънавий-ахлоқий фазилатлардан биридир.

Ўқувчилар ўртасида ватанпарварлик ва байналминаллик тарбияси уларга оид мавзуларда суҳбат, давра суҳбати, матбуот конференцияси, викторина, учрашув, кўрик-танлов, баҳс-мунозаралар ташкил этиш каби шаклларда амалга оширилиши мумкин. Шунингдек, музейларга экскурсиялар уюштириш, ватанпарварлик ва байналминаллик мавзуларида яратилган асарлар мазмунини биргаликда ўрганиш, кинофильмлар томоша қилиш ҳам ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўқувчиларда байналминаллик туйғусини шакллантиришда таълим муассасалари қошида фаолият юритувчи «Дўстлик клуби»нинг таъсири каттадир. Бинобарин, турли миллатларга мансуб болалар ўртасида дўстлик алоқаларининг боғланиши уларда бир-бирларига нисбатан ҳурматни қарор топтирибгина қолмай, ўзга миллат ёки элатларнинг урф-одатлари, анъаналари, тили, маданияти ва кадриятларини пухта ўрганишга кўмаклашади. Бу борадаги билимлар эса уларда шовинистик (миллатчилик) кайфиятининг шаклланишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, ўқувчиларни Республика Байналминал маркази ёки жойлардаги Миллий-маданий Марказларнинг фаолияти билан яқиндан таништириш, айтилиши вақтда республика ҳудудида турли миллат ва элат вакилларини бирлаштирувчи 138

та Миллий-мадаий марказлар фаолият юритаётгани тўғрисида маълумотлар бериб, улар томонидан уюштирилаётган тадбирларга ўқувчиларни фаол жалб этиш ҳам ижобий натижаларни беради.

Ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг ҳам аҳамияти бекиёсдир. Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раҳбарлигида ҳарбий ватанпарварлик ғоясини тарғиб этувчи «Ватанпарвар» ўйинлари, мусобақаларининг ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларни ижтимоий-ғоявий, маънавий-ахлоқий, психологик-иродавий, жисмоний ҳамда ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этиш улар томонидан Ватанни ҳимоя қилиш дек муқаддас бурчини англашларига ёрдам беради.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг мақсади ёшларни ватан ҳимояси ҳамда ҳарбий мудофаага тайёрлаш, уларда фавқулотда ҳолатларда ҳарбий мудофаани ташкил этиш кўникма ва малакаларини шакллантиришдан иборат бўлиб, мазкур жараёнда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1) ўқувчиларга фуқаро мудофааси ҳамда ҳарбий билим асосларини бўйича дастлабки назарий билимларни бериш ва амалий кўникмаларни ҳосил қилиш;

2) ўқувчиларни миллий мустақиллик, Ўзбекистон Республикасининг давлат қурилиши ҳамда конституциявий тузумига қарши уюштирилувчи таҳдидларнинг олдини олишга тайёрлаш;

3) ўқувчиларда ғоявий онглиликни тарбиялаш асосида уларда терроризм ва диний экстремистик ғояларга қарши нафрат туйғусини тарбиялаш;

4) ўқувчиларнинг Ватан ҳимоясини таъминлаш борасидаги ҳарбий-техник тайёргарликка эга бўлишлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;

5) ўқувчиларда фавкулотда вазиятларда тегишли чора-тадбирларни кўра олиш, шунингдек, қуролли ҳуружлардан ҳимояланиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

б) уларда ҳушёрликни ошириш ва ҳоказолар.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ташкил этишда таълим муассасаларида ўқитилиши йўлга қўйилган бошланғич ҳарбий тайёргарлик машғулотлари муҳим аҳамиятга эга. Ўқувчилар ўртасида БХТ (бошланғич ҳарбий таълим ўқув фани) бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни намойиш этиш имконини берувчи мусобақанинг ташкил этилиши бу борада ижобий натижа бера олади. Ўқитувчи раҳбарлигида «Шон-шухрат» музейларига уюштирилувчи экскурсиялар ҳам ўқувчиларда ҳарбий–ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

5-§

Миллий истиқлол мафқураси мазмуни ва моҳиятида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил бораётган мустақил Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқий билими, ҳуқуқий маданияти ва маънавиятини юксалтириш ғоят муҳим ва долзарб муаммо эканлиги устувор аҳамият касб этади.

Миллий истиқлол мафқурасида ватанимизнинг ривожланиши ва истиқболи, мамлакатимизда кенг куламда утказилаётган иқтисодиёт, сиёсат, давлат қурилиши, ҳуқуқий тизим ва маънавий узгартириш соҳасидаги ислохотларни муваффақияти кўп жihatдан халқнинг ҳуқуқий онги ва билими ҳамда маданияти даражасига боғлиқлиги алоҳида таъкидланади.

Ҳуқуқий тарбия ўқувчилар ўртасида фуқаролик тарбиясини ташкил этишда ўзига хос ўрин тутади. 1993 йил март ойида эълон қилинган "Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси"да қайд этилганидек: "Ҳуқуқий тарбиянинг асосий мақсад ва вазифалари Конституцияни, давлат ҳақидаги таълимотни, чунончи, фуқаролик, оила,

меҳнат, ҳўжалик, маъмурий, нафақа, суд ишларини юритиш ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, адлиявий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан мурасасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро ҳуқуқнинг аҳамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар (БМТ, Хавфсизлик Кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳақида ўқувчиларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир¹.

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қабул қилинган "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури" ҳоялари жамият ва шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш борасида қимматли назарий асос бўлиб ҳизмат қилади.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таълим ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Ҳуқуқий тарбия шахс томонидан ўзлаштирилган назарий-ҳуқуқий билимлар негизида ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, унда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатларни қарор топтириш ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён ҳисобланади. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳуқуқий таълим ва тарбия жараёнинг муҳим босқичидир.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

¹ Синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси. – Маърифат г., 1993, 3 март.

- ўқувчиларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни қарор топтиришга эришиш;

- ўқувчиларда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

- уларда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатлар (ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий эътиқод ва ҳуқуқий салоҳият)нинг қарор топишини таъминлаш;

- ўқувчилар ҳуқуқий маданияти (ҳуқуқий меъёрлар, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тўғри баҳолаш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонуний бўлишига эришиш, давлат Конституцияси ва рамзларини, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашни ташкил этиш)ни шакллантириш.

Ҳуқуқий маданият – шахс томонидан ҳуқуқий билимларнинг ўзлаштирилиши ҳамда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш даражасининг сифат кўрсаткичи. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш қуйидаги шартлар асосида амалга оширилади:

- кенг кўламли ижтимоий – ҳуқуқий ахборотли муҳитнинг мавжудлиги;

- шахс ҳуқуқий онгини шакллантириш;

- шахс ҳуқуқий фаолиятини йўлга қўйиш.

Педагогик жараёнда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг самарадорлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тарбияланганлиги қуйидаги ҳолатлар билан ўлчанади:

-ўқувчилар томонидан "Ўзбекистон давлат ва ҳуқуқи асослари", "Конституциявий ҳуқуқ" каби ўқув фанларининг ўзлаштирилиш даражаси, яъни, ҳуқуқий билимларнинг муайян даражаси;

- уларнинг умумжамият ахлоқий-ҳуқуқий меъёрларига амал қилишлари ҳамда мактаб ва бошқа ўқув юртлари ички тартиб-қоидалари, шунингдек, ўқувчилар қоидаларига риоя қилишлари, тартиб-интизомни бузиш ҳолларининг камайганлиги, ўз-ўзини назорат қилиш, хатти-ҳаракатлари моҳиятини онгли таҳлил этиш қобилиятига эга эканликлари – ҳуқуқий онгнинг муайян даражаси;

- ижтимоий-ҳуқуқий фаолликлари (ўқувчилар ўз-ўзини бошқарув органлари, ёшлар уюшмалари, табиатни муҳофаза қилиш, шунингдек, жамоат ташкилотлари ҳамда ҳуқуқ-тартиботни ҳимоя қилувчи ташкилотлар фаолиятини уюштиришдаги иштироклари) – амалий-ҳуқуқий фаолият кўлами.

Ўқувчилардаги қизиқишни инобатга олган ҳолда ҳуқуқий мазмундаги, хусусан, "Бизнес фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари", "Маиший хизмат турларидан фойдаланишнинг ҳуқуқий моҳияти", "Олди-сотди муносабатларининг ҳуқуқий-ахлоқий негизлари", "Ёшлар жиноятчилиги ва унинг оқибатлари", "XXI асрга наркотикларсиз қадам ташла!", "Сенинг ҳуқуқ ва бурчларинг", "Ёшлар ижтимоий меҳнатини ташкил этиш шартлари", "Никоҳ-муқаддас битим", "Табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари", "Терроризм – мудҳиш жиноят", "Қонуний ҳаракат ва ҳаракатсизлик нима?" каби мавзуларда маъруза ва семинарлар ташкил этиш, мустақил равишда ҳуқуқий билимларни ўзлаштириш мақсадида уларни ҳуқуқий адабиётлар билан ишлашга ўргатиш, жиноий хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари хусусида давра суҳбати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари билан учрашув ва конференциялар ўтказиш, шунингдек, ҳуқуқий мавзудаги кинофильмлар намоиши этиш ғоят муҳим.

Шахсда ҳуқуқий сифатларни қарор топиши унинг ижтимоий – ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражаси ва сифатига боғлиқ. Доимий равишда, мақсадли тарзда ҳуқуқий муносабатларга киришиш шахсда

хукукий маданият унсурларининг шаклланишига олиб келади. Шу боис жамият мафкураси, ижтимоий тузумда қарор топган хукукий муносабатлар мазмуни, унинг ғоялари ўқувчилар хукукий маданиятини шакллантиришда етакчи ўрин тутаяди.

Хукукий тарбияни ташкил этиш даврида ўқувчилар фаолияти мазмунини таҳлил этиш, уларда ўз фаолиятларига нисбатан танқидий ёндошувни қарор топтириш, шунингдек, ўз фаолиятларини реал баҳолашга ўргатиб бориш талаб этилади.

Ўқувчилар "Ўзбекистон давлат ва ҳукуқи асослари", "Конституциявий ҳуқуқ" ўқув предметлари асосларини ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, фуқаролик жамияти асослари, миллий давлат тузилиши, давлат органлари тизими, вакиллик ҳокимияти органлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Республика Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар ва давлат қўмиталари, маҳаллий бошқарув органлари, фуқароларининг ўзини ўзи бошқариш органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши каби органлар фаолиятини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсати моҳиятини ўзлаштириш, халқаро ҳукукий муносабатларни йўлга қўйилиши тартиби билан танишиб бораётган эканлар, аynи вақтда уларда нафақат ҳукукий онг балки сиёсий онг ҳам шаклланади. Зеро, жамият тизими, унинг амал қилиши учун асос бўлган ғоя ва қарашлар ўз навбатида ҳукукий ғоя ва қарашларнинг вужудга келишини таъминлайди.

Р.Маҳмудов ҳукукий маданиятнинг асосини ташкил этувчи қисмлар моддий, маънавий, ҳукукий, ахлоқий, эстетик ва бошқа мафкуравий омиллардан иборат эканлигини, демакки, моддий ҳамда маънавий хусусиятга эга бўлган асосий, бир-бирига мувофиқ қисмларни ажратиб кўрсатади¹. Ҳуқуқшунос олимлар Ш.Ўразаев, М.Қориевлар эса ҳукукий маданият ҳукукий билимларни эгаллаш, ҳукукий меъёрларнинг амалиётда ўз исботини топиши ҳамда бошқа муаллифлардан фарқли равишда ҳуқуқнинг обрўси ва

¹ Маҳмудов Р. Ҳуқуқ ва маданият /З.С.Зарипов таҳрири остида. – Тошкент, Ўзбекистон, 1993. –56-бет.

қонуннинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни билан белгиланишини қайд этиб ўтадилар: "Ҳуқуқий маданият тушунчаси—ҳуқуқнинг ривожланиш даражаси, аҳолининг ҳуқуқ ҳақидаги тушунчаси, қонунчиликнинг аҳволи, ҳуқуқнинг обрўси ва шу сингари унсурлардан ташкил топади"¹.

А.Ф.Никитин эса шахс ҳуқуқий маданияти таркибини тушунишга ўзига хос тарзда ёндашади ҳамда шахс ҳуқуқий маданиятини мураккаб психологик ҳодиса деб баҳолайди. У чунончи, унинг таркибий қисмларини: ҳуқуқий билимлар ва уларни амалиётда қўллай олиш кўникмаси; қонунга нисбатан шахс муносабати ва ниҳоят шахснинг ҳуқуқий мазмунга эга бўлган вазиятлардаги фаолиятидан иборат"деб таъкидлайди².

Демак, шахс ҳуқуқий маданияти негизида қуйидагилар акс этади:

1) ҳуқуқ ва ҳуқуқий тизим борасида етарли маълумотга эга бўлиш, ҳуқуқий билим асосларини ўрганиш, уларни ўрганишга бўлган эҳтиёж ва қизиқишнинг ҳосил бўлиши, эгалланган назарий-ҳуқуқий билимларни амалиётга тадбиқ этиш борасидаги кўникмани шакллантириш ҳамда малакага эга бўлиш;

2) ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатларни уюштириш чоғида ўз фаолияти тимсолида ҳуқуқий маданият унсурларини намоён этиш, ижтимоий-сиёсий ҳамда ҳуқуқий фаолликни юзага келтира олишда кўринади.

Шахс ҳуқуқий маданиятини қуйидаги икки асосий қисмга ажратиш мумкин;

1) ҳуқуқий онг;

2) ҳуқуқий фаолият.

Ҳуқуқий онг — ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, у жамият тараққиётнинг маълум босқичида — давлат, мулк ва мулкий муносабатларнинг пайдо бўлиши, аҳолининг кескин суръатда табақалашуви, ҳуқуқ, ҳуқуқий муносабатлар тушунчаларининг пайдо бўлиш жараёнида

¹ Таджиханов У., Саидов А. Ҳуқуқий маданият назарияси. 2-томлик. —Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 1998.-182-бет.

² Никитин А. Ответственность несовершеннолетних. — Москва, Просвещение, 1990. — 109-бет.

уларга ёндош тушунча сифатида қўлланилган ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ташкил этиш чоғида кўзга ташланади.

Ҳуқуқий онг муайян жамиятнинг моддий ҳаёт тарзи билан белгиланадиган тасаввур, идрок, тафаккур ва эътиқодлар тизими бўлиб, ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида мураккаб тузилишга эга.

Ҳуқуқий фаолият ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар талабларига нисбатан онгли ёндашиш, уларга қатъий ва оғишмай амал қилиш, қонунларни ҳурмат қилиш, уларни шахс эркини ҳимоя қилиш кафолати сифатида эътироф этиш, ҳуқуқий муносабатлар жараёнидаги фаол иштирокни ташкил этишга йўналтирилган амалий хатти-ҳаракатлар мажмуи.

Шахс ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисмлари сифатида қуйидагилар эътироф этилади: ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий эътиқод, ҳуқуқий салоҳият.

Ҳуқуқий тарбия жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий онги шаклланади. Ёшларни жамият талабларига давлатнинг қонун-қоидаларига, миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга чуқур ҳурмат-эҳтиромли бўлишга ўргатиш ҳуқуқий таълим-тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир. Дарҳақиқат, ҳуқуқ асосларини, Конституция ва қонунларимиз мазмун-моҳиятини, янги қонуний ҳужжатлар, ҳуқуқий меъёрларни кишиларнинг, биринчи навбатда, ёшларнинг онги, қалбига сингдиришда ҳеч бир нарса уз аҳамиятига қура ҳуқуқий таълим-тарбияга тенглаша олмайди.

Ёш авлодда фуқаролик тарбиясини шакллантириш аввало мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади. Мактабгача таълим муассасаси раҳбар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича Республика ўқув методик Маркази томонидан 2004 йилда ишлаб чиқарилган “Конституция сабоқлари” дастур ва услубий қўлланмада болаларни миллий руҳда тарбиялашнинг бош йўли, улар қалбида ўз Она-Ватанидан фахрланиш,

гурурланиш, ифтихор туйғуларини уйғотиш ва шакллантириш вазифалари белгиланган. Бу мақсадга эришиш қуйидагилар асосида амалга оширилади.¹

КАТТА ГУРУХ

Теварак-атроф ва она Ватан

Болаларни туғилиб ўсган жойларига нисбатан мухаббатини ўстириш, ўз шаҳар ва қишлоқларига, халқига унинг урф-одатлари, тарихий жойлари, маданияти, ёдгорликларини асраб-авайлаш, уларга зарар етказмасликни тарбиялаш, Конституциянинг 49-моддасида «Фуқаролар халқнинг тарихий, маънавий ва маданий меъросини авайлаб асрашга мажбурдир» деб ёзиб қўйилганлиги ҳақида қисқача тушунча бериш. Болаларни ўз ота-оналари, оила аъзоларини ҳурмат қилишга чақириш ва бу борада олиму-фозилларнинг насихату ўғитлари билан таништириш ва болалар ўртасидаги ўзаро илиқлик муносабатларини тарбиялаш: яхшилик, эзгулик, дўстлик, ҳақгўлик, ростгўйлик, хушмуомалалик, одавийлик, бировларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик ҳақидаги тасаввурларини шакллантириш касби ва вазифалари.

Гуруҳ хонасидаги нарсаларга эҳтиёткорлик билан ёндашиш, ўйинчоқларни, меҳнат қуролларини, бесаранжомлик билан синдирмаслик. Гуруҳ хонасидаги барча нарсалар давлат мулки, боғча мулки, уни асраб-авайлаш, ўйинчоқлар ёки гуруҳ хонасидаги бирор буюмларни боғчадан уйга олиб кетмаслик, каби одатларни тарбиялаш кўзда тутилган. Яхши бола ҳалол ва покдир. Ҳалол ва пок болалар давлат мулкига (боғча мулкига) хиёнат қилмайдилар, ўзгалар нарсасига кўз олайтирмайдилар. Ҳамиша ва ҳамма ерда тўғри сўзлайдилар. Улар адолатдан қўрқмайдилар.

Ўзбекистон Республикаси рамзларига ҳурмат ҳиссини тарбиялашда давом этиш: давлат мадҳиясини тик туриб ўнг қўлини кўкракка қўйиб

¹ “Конституция сабоқлари”. 2004, 28 - бет

тинглашни тарбиялаш. Бу энг яхши шарқона миллий анъаналаримизнинг яққол намоёнидир.

Шунингдек, транспорт ва жамоат жойларида ўзини тутиш қисмида эса йўл ҳаракати қоидалари билан таништириш орқали тартиб, интизом, қоида ҳақида тушунча бериш. Ҳар қандай қоидабузарлик жавобсиз қолмаслиги ҳақида тушунча бериш.

Кўчада, транспортда одобни сақлаш, ўзини тута билишга, кўрслик қилмасликка, транспортга чиққанда, унга зарар етказмаслик (ифлос қилмаслик, ўриндикдарга чизмаслик, йиртмаслик, шовқин сурон қилмаслик). Кўча ҳаракати қоидаларига риоя қилиш каби тушунчаларини ҳуқуқий назардан тушунтириб бериш вазифалари киритилган.

Ҳарбий қўшинларга қизиқишни уйғотиш

Конституциянинг 52-моддасида Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш - Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросининг бурчидир, деб қайд этилгани ҳақида қисқача тушунча бериш. Бу модда ўзбек болалари учун фахрлидир.

Чунки бугунги болалар эртага аскар бўладилар. Улар мустақил давлатимизни мудофаа этишда ўз ҳиссаларини қўшадилар. Ватанни севиш, ватанпарварлик бурчини ҳар бир фуқаро чуқур тушуниши кераклиги ҳақида тушунча бериш.

Конституциянинг 126-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз хавфсизлигини таъминлаш учун етарли даражада қуролли кучларга эга деб ёзиб қўйилганлиги ҳақида қисқача тушунча бериш.

«Бугун боласиз, эртага аскар бўласиз»

Машғулот мақсади: Ҳарбий қўшинларда: сипоҳлар, танкчилар, денгизчилар борлиги, Ватанни ҳимоя қилиш учун улар жасур ва кучли, чиниққан бўлишлари кераклиги ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш,

«Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фукаросининг бурчидир» деган тушунчани чуқур тушунтириш.

Ёдланган шеърларни ифодали қилиб айтиб бера олиш.

Ўйин орқали жисмоний чиниқтириш.

Болаларга дам бериш мақсадида тинч ўйин ўйнаш ва тасвирий фаолият машғулотида таклиф этиш. Предметларни тасвирлаш бўйича расм чизишга ўргатиш. Чизаётган буюмнинг ўзига хос хусусиятини кўрсата олишга ўргатиш.

Машғулотнинг бориши: Болалар мен сизга ҳарбий кўшинлар ҳақида жуда кўп ўқиб берганман. Ҳарбий кўшин қисмларининг суратларини кўриб чиққансиз (сипохийлар, танкчилар, денгизчилар).

- Зобитнинг қайси қисмда хизмат қилишини қаердан билса бўлади?

Болалар жавоби:

- Кийимидан.
- Тўғри, уларнинг кийимларидан.
- Яна қандай билиш мумкин?

Болалар жавоби:

- Нишонидан.
- Болалар бугунги суҳбатимиз аскар бўлиш учун болалар олдиндан қандай тайёргарлик кўриб боришлари кераклиги ҳақида бўлади.

- Сиз нима деб ўйлайсиз аскар бўлиш осонми? Ёки болаликдан тайёргарлик керакми? (Болалар жавоблари)

Тарбиячи: Очиги, болалар онасининг этагига ёпишиб, ҳиқиллаб юрадиган эркатойлардан зобит чиқмайди. Ахир ўғил болаларнинг ҳамиша сўзлари бурро, қадамларидан ўт чакнаб туриши керак-да. Масалан: ҳарбий хизматда аскарлар жуда қисқа фурсатда бошдан оёқ кийиниб сафга туришлари, 20 минут давомида ювиниб, тараниб, соқолини олишлари лозим.

Эрталаб нонушта, тушлик тамадди қилишларига 20 минут ажратилади. Бир сўз билан айтганда, аскарнинг кўриниши, юриш-туриши

низомдагидай бўлиши, уст-бошига гард юқмаслиги, доимо-озода, кийими дазмолланган, пойафзали яраклаб тўрган бўлиши керак. Буларни унинг ўзи тез ва тўғри бажариши керак бўлади.

Мен айтаётган гаплар балки осондек туюлар, лекин кимки кичкинтойлигидан шунақа фазилатларга эга бўлса, уларга осон бўлади, эркатойлар эса жуда қийналишади.

Болалар шуни унутмангки, сиз тез кунда улғайиб Ватанимиз носбонларига айланасиз. Бунинг учун, сиз энг аввало, соғлом бўлишингиз керак. Соғлом бўлиш эса жисмоний тарбия, спорт билан мунтазам шуғулланишни, турли ҳаракатли ўйинлар билан ўйнашни талаб қилинади. Ватанни қўрқок, номард эмас, мардлар қўриқлайди. Ана шу мардларни эл олқишлайди. Бунинг учун болалар ёшлиқдан чиниқиб, тобланиб ҳар томонлама тайёр бўлиб бориш керак. Мустақил Ўзбекистонимизнинг қуролли кучлари сафида хизмат қилиш ҳар бир фарзанд учун шарафдир. Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Чунки ҳар бир йигит 18 ёшида Ватанимизни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшади.

Ватанни севиш, ватанпарварлик бурчини ҳар бир фуқаро чуқур тушуниши керак.

Болалар, аскар йигитларга бағишланган шеърларни бир эслаб олсак. Ким айтиб беради? («Чегарачи», «Аскар акам», «Табрик»). Ҳозир эса, болалар, мен сизга бир ўйин таклиф этмоқчиман. Диққат билан эшитинг. Фараз қилинг, сиз зобитларсиз, ўқув машқидасиз. Икки гуруҳга ажралинг. Болалар санама айтиб, икки гуруҳга бўлинадилар. Гуруҳ хонасида иккала гуруҳ учун алоҳида эгилган ёйлар, болалар ёй остидан эмаклаб ўтиб, саватга тўпни туширишга ҳаракат қиладилар. «Нишонга аниқ» ўйин машқи, қайси гуруҳ ёйдан кетмай эмаклаб нишонга аниқ солса, шу гуруҳ ғолиб чиқади.

Тинч ўйин «Ким кетди?»

Тарбиячи: Болалар, чарчаб қолмадингларми? Агар истасангиз ҳозир қуролли кучлар мавзусида расм чизишингиз мумкин. Болалар танк, самолёт, ракета, автомат расмларини чизишлари мумкин.

Тарбиячи болалар ишларини назорат қилади.

Машғулот натижасида болаларда эрта туриш, тез кийиниш, тез овқатланиш, кийим кечагини тоза тутиш, ўғил болаларга хос жасоратли, кучли бўлиш каби туйғулар шаклланади.

«Ўзбекистон давлати»¹

Машғулот мақсади: Ўзбекистон давлати ҳақидаги болалар билимларини ҳуқуқий жиҳатдан кенгайтиришга ҳаракат қилиш. Конституция ҳақидаги тушунча бериш. Фуқаро сўзининг маъносини очиқ бериш.

Туғилганлик ҳақида ҳужжат фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат эканлиги ҳақида тушунча бериш. Болалар ҳам Ўзбекистон фуқароси эканлиги, уларнинг ҳам ҳаётда бурчлари борлиги ҳақидаги билимларини мустаҳкамлаш.

Тасвирий фаолиятда ҳар бир Республиканинг миллий кийимларидаги нақш элементларига эътибор бериб турли хил жилолар билан безаш. Бажарган ишларидан севинч туйғусини ўстириш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, Ўзбекистон бизнинг давлатимиз. Давлатимиз қандай давлат? (мустақил). Қандай давлатни мустақил деб айтамиз? (байроқ, герб, мадҳия, тили, чегараси бор бўлган давлатни). Болалар ана шулар билан бирга ҳар бир давлатнинг ўз Қонунлари бўлади. Ўзбекистон қонунлари ҳақидаги китоби «Конституция» деб аталади. Бу китобда Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари ёзилган фуқаролар кимлар? Улар Ўзбекистонда доимий яшовчи одамлар. Демак, сиз, биз, ота-онангиз - Ўзбекистон фуқаросимиз.

Фуқаролар Конституцияни муқаддас китоб деб билиб, ҳар бир фуқаро қонунни билиши, ҳурмат қилиши, унинг доирасида иш тутиши керак. Болалар, сиз ҳам Ўзбекистон фуқаросисиз. Сиз туғилганингизда туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилган. Бу фуқароликни тасдиқловчи ҳужжат. Уйингизда ота-онангиздан илтимос қилсангиз, улар сизга гувоҳномангизни

¹ «Конституция сабоқлари» 2004, 45-бет

кўрсатишади. Сиз ҳам Ўзбекистон фуқароси сифатида Конституцияда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларингизни билишингиз керак. Ҳуқуқ нима, бурч нима, биз бу ҳақида кейинга суҳбатимизда гаплашамиз.

Тарбиячи болаларнинг олган тушунчаларига яқин ясайди.

Болалар, ҳозир биз «Меҳмон қайси давлатдан» ўйинини кўғирчоқларга яқинлашиб кийимларини диққат билан кузатиб чиқадилар. Болалар кўғирчоқ меҳмонларни қўлларига олиб қайси давлатдан эканини ва кийган кийимларини тасвирлаб бера олишлари керак. Айтиб бера олмаган бола миллий рақс, ашула айтиб беради.

«Миллий кийимдаги бола» мавзусида расм чизишга болалар таклиф этилади. Болалар кўғирчоқларга қараб ёки тасаввурлари бўйича расм чизишлари мумкин.

Машғулот якунида болалар Қонун, Конституция, фуқаролик, инсон, одам, ҳуқуқ, бурч тўғрисида билимларга эга бўлади. Уларда Ўзбекистон фуқароси бўлиш фахр эканлиги тўғрисида кўникма ҳосил бўлади.

«Менинг ҳуқуқ ва бурчларим»

Машғулот мақсади: Болаларга ҳаётдаги ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида қисқача тушунча бериш, уларга фуқаро, бурч, ҳуқуқ, ахлоқ каби сўзларнинг луғавий маъносини тушунишларига ёрдам бериш.

Машғулотнинг бориши: Болалар, сизнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси китоби ҳақида гушунчангиз бор. Демак, ҳар бир давлатнинг ўз рамзлари, ўз қонунлари бўлади. Конституция биз учун азиз ва қадрли! Негаки унда инсонларга ғамхўрлик қилиш ҳақида ёзилган, тўғрими? Бугун эса Конституция ҳақида тўлиқроқ гапириб беришга ҳаракат қиламан. Конституцияда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари кўрсатилган. Фуқаролар кимлар? Фуқаро шу юртнинг доимий аҳолиси, яъни сиз ва биз. Бурч нима? Бурч бажарилиши шарт бўлган вазифа. Демак, Конституцияда болаларнинг, катталарнинг бажарилиши шарт бўлган вазифалари кўрсатилган.

Масалан, боғча болалари олдида ҳам яхши тарбияли бола бўлиш, ахлоқий қоидаларга риоя қилиш каби вазифалар турибди.

Бу вазифаларни бажариш ҳар боланинг бурчидир.

Яхши тарбияли болалар қандай бўладилар?

1. Улар ота-оналарини ҳурмат қиладилар.
2. Айтган насихатларига қулоқ соладилар.
3. Катталар бажараётган ишларига кўмаклашадилар.
4. Ўз уйларини, гуруҳларини озода тутадилар.
5. Ватанини севадилар.

Тарбиячи: Мана сиз тарбияли болалар вазифалари, бурчлари ҳақида тушунчага эга бўлдингиз. Ахлоқий қоидаларга риоя қилиш ҳам бизнинг бурчимиз. Ахлоқ нима? Болаларнинг, катталарнинг, яхши-ёмон сифатлари ахлоқсизликдан, тартиббузарликдан келиб чиқади.

Масалан, болалар орасида ўртоқларини менсимайдиганлар, сочларидан тортиб қизларга озор берадиган, зинадан тушаётганда итариб юборадиган, ўртоқларини ҳақорат қиладиган, табиатга зарар етказиб, дарахт синдирадиган, кушларга озор етказадиган, давлат мулкига зарар етказадиган, ўйинчоқларни синдирадиган болалар учрайди. Агар ахлоқий қоидаларга риоя қилинса, болалар ўз бурчларини бажарган бўладилар. Ҳуқуқ ўзи нима? Ҳуқуқ бу қонун билан ҳимояланадиган, ўз ҳаёти, эҳтиёжи, конституцион ҳуқуқига кўра ҳар бир фуқарога берилган имтиёзлардир. Сиз болажонларнинг ҳуқуқингиз нимадан иборат?

1. Сиз туғилишингиз билан исм, фамилия олиш ҳуқуқига эгасиз.
2. Сиз оилада тарбияланиш, ўз ота-онангизни билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳуқуқига эгасиз.
3. Сиз боғчага қатнашиш, дам олиш кунлари ота-онангиз билан истаган жойда дам олишингиз мумкин.
4. Боғчада таълим-тарбия олиш ҳуқуқига эгасиз.

Мана, болатар сиз ўз ҳуқуқ ва бурчларингиз ҳақида қисқача бўлса ҳам билиб оддингиз.

Конституцияда белгиланган бурчларни бажариш зарур, гуруҳларимизни озода сақташ керак, бу бизнинг бурчимиз. Келинлар, ҳозир биз ҳаммамиз биргаликда гуруҳларимизни тозалаймиз, бу билан биз ўз бурчимизни бажарган бўламиз.

Ўйин табиат бурчакларида меҳнат қилиш билан машғулот якунланади.

Педагогик ҳулоса.

Бизнинг олдимизда шундай улкан вазифалар турибдики, булардан бири демократик, инсонпарвар, ҳуқуқий давлат ва жамият қуришдир. Бу вазифаларнинг муваффақияти фуқаронинг ижтимоий-сиёсий онглилик даражасига, фуқаролик фазилатларининг қарор топганлигига, ижтимоий фаоллик кўрсаткичларига боғлиқдир.

Ўқувчи — ёшлар онгида фуқаролик тушунчасини, фуқаролик маданиятини шакллантириш биз педагогларнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Ўқувчиларга фуқаролик тушунчаларини бадиий, илмий адабиётлар, турли суҳбатлар, кечалар, тадбирлар, матбуот янгиликлари, тўғарақлар орқали бериб бориш асосий педагогик омиллар ҳисобланади.

Фуқаролик туйғусини узлуксиз таълимнинг бошланғич тури бўлган мактабгача таълим ёшидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун “Конституция сабоқлари” дастурининг ишлаб чиқилгани айтиш муддао бўлди. Унда боғча ёшли болаларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Конституциясининг айрим моддалари, Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари билан таништириш режалаштирилган. Дастўрнинг мақсади болалар қалбида фахрланиш, ғурурланиш, ифтихор туйғуларини уйғотиш ва шакллантиришдир. Шунингдек, кичик мактаб ўқувчиларида фуқаролик туйғуси асосларини тарбиялашда “Конституция алифбоси” фанининг ўқитилиши муҳим аҳамият касб этади.

1-синф “Конституция алифбоси” дарслигининг муқаддима қисмида “Ҳар бир оилада, мактабда тартиб-қоида ўрнатилганидек, давлатимиз ҳам бу ишларни қонун-қоидаларга амал қилиш асосида олиб боради”, – деб берилиши ўқувчига жамиятимиздаги мавжуд қонун-қоидалар ва уларнинг амал қилиш зарурияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имкониятини беради. Болаларнинг айрим ҳуқуқий тушунчалар ва атамаларнинг маъносини англашлари учун онглилик, фаоллик ва ижобий сифатларини шакллантириб бориши лозим. Бу эса дарс ва машғулотлар жараёнида ўтиладиган ҳар бир мавзу якунида “Билиб қўйинглار”, “Буни билишингиз керак!” каби кўрсатмаларни берилиши ҳуқуқий тушунча, атама ва қоидаларни ўқувчи ёд олиши, уларни ўзлаштиришига, ўз фаолиятларида қўллашга ёрдам беради.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг мустақил бўлими муносабати таълим тизимидаги ишлар тинимсиз ривожланиб, такомиллашиб келаётир. Мамлакатимизда жуда катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар рўй берганлиги, янги жамият барпо этилганлиги натижасида қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилинишини кучайтириш тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Республикадаги соғлом вазият, халқнинг модий фаровонлиги ва маданият савиясининг ўсиб бораётганлиги халқнинг онглилик ва интизомлилик даражаси юксалганлиги туфайли ҳуқуқбузарлик ҳоллари тобора камайиб бормоқда. Фуқаролар онгига жамият манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш, софдил, ҳақгўй бўлиш, адолатсизликка, текинхўрликка таъмагирликка қарши муросасиз бўлиш, қонун меъёрларига ҳурмат назари билан қараш каби ҳислатлар кўпроқ сингиб бормоқда.

Ўқувчилар онгига юксак фуқаролик, маънавий баркамоллик сифатларини сингдиришда тарбиянинг барча омил ва воситаларидан, педагогик ишнинг барча усулларида оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, ҳеч шубҳасиз, ўзининг самарали натижасини беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқувчиларда фуқаролик туйғуси асосларини ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни тарбиялаш жараёнида амалга оширилиши ёш авлоднинг мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашда ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришда фаол иштирокчига айланишга, ҳақиқий фуқаро бўлишга хизмат қилади.